

**ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ  
КҮРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ**

**ISSUES ORGANIZATION OF ANALYSIS OF OPERATIONAL ACTIVITY**

*Кличев Бахтиёр Пардаевич*  
Тошкент молия институти  
“Иқтисодий таҳлил” кафедраси  
катта ўқитувчи  
*e-mail: klichev.baxtiyor@gmail.com*  
*ORCID: 0000-0001-6938-7897*

**Аннотация:** Мазкур мақолада корхоналар операцион фаолият таҳлилини ташкил этишда ўрганиладиган кўрсаткичлар фаолият натижаларидан келиб чиқиб умумий ва таркибий кўрсаткичларга бўлиб ўрганилган. Операцион фаолият таҳлилида мазкур кўрсаткичларнинг таснифлаш белгилари, ушбу кўрсаткичларнинг мазмуни, ушбу кўрсаткичларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган.

**Abstract:** In this article, the indicators studied in the organization of the operational activity analysis of enterprises are divided into general and structural indicators based on the results of the activity. In the analysis of operational activity, the classification signs of these indicators, the content of these indicators, theoretical and practical aspects of these indicators are highlighted.

**Калит сўзлар:** Операцион фаолият таҳили, умумий кўрсаткичлар, таркибий кўрсаткичлар

**Key words:** Analysis of operational activity, general indicators, structural indicators

### **Кириш**

Халқаро амалиётда операцион фаолият таҳлилини ташкил этишда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларни қўллаш доираси корхоналар фаолият олиб борадиган тармоқ ва соҳалар хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади. Жумладан, барча тармоқлар учун операцион фаолият таҳлилини ташкил этишда CVP – таҳлил универсал метод ҳисобланади. “CVP – таҳлил” орқали ишлаб чиқариш, сервис, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа тармоқларда “харажат-ҳажм-фойда” кўрсаткичлари ўртасидаги оптимал мутаносибликни таъминлашга қаратилган таҳлилий ишлар амалга оширилса, тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, операцион фаолият таҳлилини CADSL технологияси ёки SADT методлари ёрдамида ҳам олиб бориш мумкин.

### **Натижалар**

Операцион фаолият таҳлилида хўжалик юритувчи субъект асосий фаолиятининг муҳим обьектлари: меҳнат воситалари, предметлари ва меҳнат ресурларининг таъминоти, ишлаб чиқариш, сотиш ва натижага эга бўлишдаги комплекс тизим ўрганилади (Кличев Бахтиёр Пардаевич (2023)). Мазкур кўрсаткичлардан самарали фойдаланишни оптимал йўлларини излаш, самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашда замонавий усулларни қўллаш, корхоналарни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг

тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу туфайли, операцион фаолият таҳлилини ўтказиш ва уни такомиллаштириш масалаларига бугунги кунда катта эътибор қаратиш объектив заруратга айланиб, бу бўйича янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Операцион фаолият таҳлилида хўжалик юритувчи субъект асосий фаолиятининг муҳим объектлари: меҳнат воситалари, предметлари ва меҳнат ресурларининг таъминоти, ишлаб чиқариш, сотиш ва натижага эга бўлишдаги комплекс тизим ўрганилади (Pardayevich, K. B. (2023)).

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг операцион фаолияти таҳлили –** хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий фаолиятнинг умумий таснифи бўйича белгиланган асосий фаолиятида бизнесни ташкил этиш ва олиб бориша иқтисодий ресурслар билан етарли таъминланиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали харажатлар-ҳажм-фойда ўртасидаги ижобий мутаносибликни таъминлашда амалга ошириладиган ишлар мажмуи (M.S.Tulayev, B.P.Qlichev (2022)).



**1-расм. Хўжалик юритувчи субъектларнинг операцион фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар.**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятларини самарали равища амалга ошириши лозим. Операцион фаолият самарадорлиги таҳлилида эса тадқиқот ишимизда таклиф этилаётган операцион фаолият натижаларини ифода этувчи кўрсаткичларни тўғри таснифлаб олиш зарур.

Умуман олганда, таҳлил жараёнида аниқланиши лозим бўлган кўрсаткичларни тўғри таснифлаб олиш таҳлилий ишларнинг самарасига вакт ва сифат жиҳатдан ижобий таъсир қиласи. Шу жиҳатдан операцион фаолият натижаларини **умумий** ва **таркибий** кўрсаткичлар асосида таҳлил қилишни тавсия этамиз (1-расм).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг операцион фаолият натижаларини умумий кўрсаткичлари корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёnlарига бевосита боғлиқ бўлади. Шу боисдан, ишлаб чиқариш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг операцион фаолиятида маҳсулот бирлигининг тайёр маҳсулотга айланиш жараёнидаги кўрсаткичларни **умумий кўрсаткичлар** сифатида қабул қилишни таклиф этамиз (2-расм).



**2-расм. Операцион фаолият натижаларини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар [5].**

Операцион фаолият таҳлилини ташкил этишда таклиф этилган ишлаб чиқариш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг операцион фаолиятида маҳсулот бирлигининг тайёр маҳсулотга айланиш жараёнидаги кўрсаткичларни умумий кўрсаткичлар сифатида, ҳар бир жараёндаги мазмун ва сифат жиҳатдан ўрганиладиган кўрсаткичларни эса таркибий кўрсаткичлар сифатида қабул қилишни таклиф этамиз (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Операцион фаолият натижаларини ифодаловчи умумий ва таркибий кўрсаткичлар

T/p	Операцион натижаларини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар	Операцион натижаларини ифодаловчи таркибий кўрсаткичлар
1.	Таъминот кўрсаткичлар	Асосий воситалар билан таъминланганлик ТМЗ лар билан таъминланганлик Ишчи кучи билан таъминланганлик пул маблағлари ва бошқа ресурслар билан таъминланганлик
2.	Ишлаб чиқариш жараёнидаги кўрсаткичлар	Асосий воситалар, ТМЗ лар, ишчи кучи, пул маблағлари ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари Ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар

		Масҳулот таркибидаги брак маҳсулот улуши Ишлаб чиқариш маромийлиги
3.	Сотиш кўрсаткичлар жараёнидаги	Тайёр маҳсулотларнинг қолдиқлари
		Маҳсулотга рақобатбардош баҳо шакллантириш
		Маҳсулот сотиш ҳажми
		Операцион цикл ва унга таъсир этувчи омиллар
4.	Операцион фаолиятнинг молиявий натижалари	Маҳсулот сотишдан тушум
		Операцион фаолият бўйича бошқа даромадлар
		Операцион фаолият бўйича бошқа харажатлар
		Операцион фаолият фойдаси
		Рентабеллик кўрсаткичлари

### Хулоса

Миллий ва хорижий адабиётларда операцион фаолият таҳлилини ташкил этишда операцион фаолият натижаларини ифодаловчи таркибий кўрсаткичларнинг назария ва амалий жиҳатлари етарлича ёритилган бўлсада, ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар, операцион цикл ва унинг қисқартириш имкониятлари таҳлили борасидаги миллий тадқиқотлар етарли эмаслиги бу кўрсаткичлар бўйича назарий ва амалий изланишлар олиб бориш заруритини юзага чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналарининг операцион фаолият натижаларини ифодаловчи таркибий кўрсаткичларни аниқлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари ва уларга таъсир этувчи асосий воситалар, номоддий активлар, айланма маблағлар, жорий активлар, меҳнат ресурслари билан боғлиқ омилларни ва уларни тизимлаштириш йўлларини очиб бериш операцион фаолият самарадорлигини баҳолашда ўта муҳим масалалар сирасига киради.

Умуман олганда мақоламизда операцион фаолият таҳлилида операцион фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш жараёнидаги босқичлардан келиб чиқиб умумий ва таркибий кўрсаткичларга ажратиш таклиф қилинди. Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг операцион фаолиятида маҳсулот бирлигининг тайёр маҳсулотга айланиш босқичларидаги кўрсаткичларни умумий кўрсаткичлар сифатида, ҳар бир босқичдаги мазмун ва сифат жиҳатдан ўрганиладиган кўрсаткичларни эса таркибий кўрсаткичлар сифатида қабул қилиш тавсия этилди. Мазкур таснифлаш операцион фаолият кўрсаткичларини таҳлил қилишда нисбатан кам вақтда сифатли натижаларга эришиш жиҳатдан ижобий таъсир қиласи.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Кличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАХЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>
2. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev. (2022). Moliyaviy hisob. (Darslik). –Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 510 b.
3. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт, молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015>
4. Pardayevich, K. B. (2023). Analysis of the Maximum Volume of Production in Cement Production Enterprises in Uzbekistan. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 5(6), 1-8. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFS/ article/view/4460>
5. Кличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ОПЕРАЦИОН ЦИКЛ ТАХЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 16(1), 196–203. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2718>
6. Абдулаева Севара Солижановна. (2023). “MILKSERVICE” – СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРИ . World Scientific Research Journal, 16 (1), 178–186. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2716>
7. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2023). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarishning maksimal hajmi tahlili. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 5 (2023), 187–192.
8. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>
9. Абдулаевич ҚМ. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.
10. Чориев, И. Х. (2017). ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПЛАТЕЖНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 175-177).
11. Абдулаева Севара Солижановна. КАЧЕСТВЕННЫЕ ВЕТЕРИНАРНЫЕ УСЛУГИ – ЗАЛОГ УЛУЧШЕНИЯ ПОРОДЫ СКОТА // Life Sciences and Agriculture. 2023. №1 (13). <https://cyberleninka.ru/article/n/kachestvennye-veterinarnye-uslugi-zalog-uluchsheniya-porody-skota>
12. Қурбонов Мухиддин Абдулаевич. (2023). ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World

Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715>

13. Абдулаев, А. Б. (2017). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГОВ И ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ПЛАТЕЖЕЙ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 181-183).

14. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2719>

15. Рахимов, М., & Астанакулов, О. (2020). Бизнес-анализ: к новой карьере и новым возможностям. Экономика и инновационные технологии, (5), 220–229.

Извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11795](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11795)

16. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОЙ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>

17. Чориев, И. (2020). Вопросы использования аналитических процедур на начальном этапе аудита. Экономика И Образование, 1(3), 107–111. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4405](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4405)

18. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>

19. Abdullaev PhD, A., & Ochilov, O. (2021). Accounting and analysis of investments under active investment policy: necessity, purpose and objectives. International Finance and Accounting, 2021(2), 29.

20. Fayziev Farrukh Abdullahojaevich. (2022). PROSPECTS OF THE APPLICATION OF THE ISLAMIC FINANCIAL SYSTEM IN THE ACTIVITY OF UZBEKISTAN BANKS. World Economics and Finance Bulletin, 15, 122-127. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/1516>

21. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили.Ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисод-Молия, 2015. 392 б.

22. Abdullayev Abror Bozarboyevich. (2022). IMPROVING INCOME TAX ANALYSIS METHODOLOGY IN BUSINESS ENTITIES. International Journal of Economic Perspectives, 16(10), 61–67. Retrieved from <https://ijeponline.com/index.php/journal/article/view/61>

23. Djamatov, K. N., & Abdullaev, A. B. (2021). Creation of a triad of effective measures in the company's tax risk management system. Asian Journal of Research in Business Economics and Management, 11(11), 74-79.

24. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов.

Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от  
[https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)

25. Fayziev, F. (2023). THE ROLE OF LOCAL BUDGETS IN TAX POLICY. Modern Science and Research, 2(5), 1315–1319. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/20713>

26. Doni Tri Putra Yanto, Ravil Akhmadeev, Hassan Salman Hamad, Ahmed Hussien Radie Alawadi, Abror Bozarboyevich Abdullayev, Rosario Mireya Romero-Parra, Hadi Fooladi, Development and investigation of a pollutants emission reduction process from a coal-gasification power plant integrated with fuel cell and solar energy, International Journal of Low-Carbon Technologies, Volume 18, 2023, Pages 1120–1133, <https://doi.org/10.1093/ijlct/ctad093>